

АБУ ҲАНИФА - ФИҚҲ ВА ҲАДИСНИНГ ЗАБАРДАСТ ИМОМИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15126584>

Абдурахимов Юсуф Анасович

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти,
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси мудири,
Тошкент шаҳри +998913524773*

Мақолада Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитни ҳаёти, илмий мероси, олимларнинг у киши тўғрисида айтган мақтовлари, ҳадис илмидаги даражалари ўрганилди.

Анотация

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм Сурайё юлдузида бўлса ҳам, уни форс кишилари олажак”, дея марҳамат қилганлар.

Имом Суютий аятадики: “Бу ҳадиснинг асли саҳиҳдир, унда Абу Ҳанифага ишора бор. Ҳадиснинг саҳиҳлиги муттафакун алайҳдир”.

Кўпчилик инсонлар, ҳатто баъзи аҳли илмлар ҳам Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни фақатгина фиқҳ соҳасида, ханафий мазҳаби асосчиси деб биладилар. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёт ва ижодларини эътибор билан ўрганиб чиқилса, у зот нафақат фиқҳ борасида имом бўлган, балки ҳадис борасида ҳам буюк муҳаддислар мақтовига сазовор бўлиб, уларга устозлик мақомида бўлганларини яққол кўриш мумкин.

Abstract

In a hadith narrated by Abu Hurairah (may Allah be pleased with him), the Messenger of Allah (peace and blessings of Allah be upon him) said: “Even if knowledge were in the star Surya, the Persians would take it.”

Imam Suyuti said: “The essence of this hadith is authentic, and it refers to Abu Hanifa. The authenticity of the hadith is agreed upon by all.”

Many people, even some scholars, consider Imam Abu Hanifa (may Allah have mercy on him) to be the founder of the Hanafi school of thought only in the field of jurisprudence. If the life and works of Imam Abu Hanifa (may Allah have mercy on him) are carefully studied, it is clear that he was not only an imam in jurisprudence, but also earned the praise of great scholars of hadith and was their mentor.

Калит сўзлар

Имом, Абу Ҳанифа, Сурайё, Муттафақун алайҳ, Насоий, Фикҳ, Муҳаддис, Имом Заҳабий, Яҳё ибн Муин, Яҳё ибн Одам, Мезон, Жарх, Таъдил, Муснад, Мутавотир, Мавқуф, Иснод, Носих-Мансух.

Keywords

Imam, Abu Hanifa, Suraya, Muttafaqun alayh, Nasa'i, Fiqh, Muhaddith, Imam Dhahabi, Yahya ibn Mu'in, Yahya ibn Adam, Mizan, Jarh, Ta'dil, Musnad, Mutawatir, Mawquf, Isnad, Nasih-Mansuh.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм Сурайё юлдузида бўлса ҳам, уни форс кишилари олажак”, дея марҳамат қилганлар.

Имом Суютий айтадики: “Бу ҳадиснинг асли саҳиҳдир, унда Абу Ҳанифага ишора бор. Ҳадиснинг саҳиҳлиги муттафақун алайҳдир”.

Кўпчилик инсонлар, ҳатто баъзи аҳли илмлар ҳам Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни фақатгина фикҳ соҳасида, ҳанафий мазҳаби асосчиси деб биладилар. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёт ва ижодларини эътибор билан ўрганиб чиқилса, у зот нафақат фикҳ борасида имом бўлган, балки ҳадис борасида ҳам буюк муҳаддислар мактовига сазовор бўлиб, уларга устозлик мақомида бўлганларини яққол кўриш мумкин.

Аммо, баъзи мутаассиб кишилар Имом Абу Ҳанифанинг ҳадис борасида қўли калта, унга кўплаб ҳадислар етиб келмаган, деган таъна тошларини отишади. Уларнинг Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга нисбатан айтган бу гаплари уйдирмадан бошқа нарса эмас. Бу гапни ўта илмсиз (жоҳил), мутаассибларгина айтиши мумкин.

Лекин, барчага маълум ва машҳур бўлган Имом Насоий, Ибн Адий каби баъзи бир уламолар Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга нисбатан ҳадисларни ёдда сақлаш борасида заиф, деган фикрни билдирганлар¹².

Имом Заҳабий ўзларининг “Мезон” китобларида Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни ҳофизлардан ҳисоблаб, сика (ишончли ровий) кишилар сирасига қўшганлар. Ҳадис илмида мўминлар пешвоси бўлган Имом Шуъба шундай деди: “Қасамки, Абу Ҳанифа чуқур мулоҳазали, ўткир зеҳн соҳиби бўлган”.

Яҳё ибн Муин (ҳадис илмининг имомларидан, жарх ва таъдил асосчиси, “Ат-тарих ва-л-илал”, “Маърифату-р-рижол” каби машҳур асарлар

¹² Эълоу-с-сунав. Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. – Карачи: Идорату-л-Қуръан ва-л-улууму-л-исламия. 1414 ҳ. Ж. 21. – Б. 35.

муаллифи) шундай дейдилар: “Абу Ҳанифа ёдлаган ҳадисинигина ривоят қиладиган сиқа кишилардан эди”.

Яҳё ибн Одам айтади: “Абу Ҳанифа диёридаги мавжуд барча ҳадисларни ўзида жамлаган”.

Ҳасан ибн Солиҳ шундай деди: “Бизнинг наздимизда, Абу Ҳанифа ишончли одам бўлган”.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ билан замондош ёки у зотга яқин замонда яшаб ўтган мазкур муҳаддис уламолар Насоий ва Ибн Адий каби уламолардан кўра Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни яхшироқ билганлар. Шунинг учун уларнинг сўзлари эътиборлироқдир. Ибн Муин, Шуъба, Али ибн Мадиний, Исроил ибн Юнус, Яҳё ибн Одам, Ибн Довуд, Ҳасан ибн Солиҳлардек машҳур муҳаддислар Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни ишончли деб ҳисоблаганда, бошқаларнинг гаплари эътиборга олинмайди.

Ибн Абду-л-бар шундай дейди: “Ҳадис соҳиблари Имом Абу Ҳанифага нисбатан нолойиқ фикрларида ҳаддан ошдилар”.

Ибн Муин шундай дейди: “Асҳобларимиз Абу Ҳанифага нисбатан ҳаддан ошдилар”¹³.

Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳу-л-Борий” муқаддимасида шундай дейди: “Баъзиларнинг Имом Абу Ҳанифа киёсн кўп қўллаган, араб тилидан тўла хабардор бўлмаган ва ҳадисни кам ривоят қилган, деган айблари қабул қилинмайди”.

Зеро, Жарҳ ва таъдил қоидаларидан бирида шундай келадикки, кимнинг адолати ўз исботини топиб, бутун уммат унинг ҳадис соҳасида пешволигини тасдиқласа, бундай киши ҳақидаги жарҳ (ровийдаги адолат ва ёдлаш сифатларининг нечоғли эканини аниқлаш) қабул қилинмайди.

Аксинча, кўплаб фақиҳ ва муҳаддис тадқиқотчи олимлар Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ шунчалик кўп миқдорда ҳадис тўплаганларки, бу ишни у зотнинг даражасида бўлмаган инсонлар қила олмайди, деган фикрни билдирганлар. Бу фикр юқоридаги гапларни ноўрин эканини исботлайди.

Биринчидан, Маккий ибн Иброҳим, Язид ибн Ҳорун, Абдуллоҳ ибн Муборак каби буюк муҳаддислар Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўз замонасида ҳадис илмининг билувчироғи, деб эътироф қилганлар.

¹³ Ёллоу-с-сунав. Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. – Карачи: Идорату-л-Қуръан ва-л-улуми-л-исламия, 1414 ҳ. Ж. 21. – Б. 36

Иккинчидан, Мазкур муҳаддис уламолар бир овоздан Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни фикҳ борасида пешво, мужтаҳид ва фақиҳ, деб тан олганлар.

Ҳасан ибн Ҳорис шундай деди: “Назр ибн Шамилнинг инсонлар фикҳ борасида уйқуда эдилар. Абу Ҳанифа уларга фикҳни кенг баён қилиб, моҳиятини очиқ бериб, уларни уйғотди, деганини эшитдим”.

Имом Молик у зотни фақат аниқ далилу ҳужжатларга суянувчи беназир олим, деб таъриф қилса, Имом Шофеъий эса: “Фуқаҳоларнинг барчаси фикҳ соҳасида Абу Ҳанифага мухтождирлар”, деб айтган.

Яҳё ибн Муин: “Мен Қуръон тиловатида Ҳамзанинг қироатига, аммо фикҳда Абу Ҳанифа мазҳабига тақлид қиламан”, деган.

Абу Ҳайён Тавҳидий: “Подшоҳлар раҳбарлик борасида Умарнинг боқимандаларидир. Фуқаҳолар қиёс борасида Абу Ҳанифанинг боқимандаларидир. Муҳаддислар эса иснод (ҳадис матнининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат бериш, етказиш) борасида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг боқимандаларидир”, деган.

Абу Довуд: “Абу Ҳанифани Аллоҳ ўз раҳматига олсин! У киши фикҳ борасида пешво эдилар”, деб айтди.

Кўплаб ҳадислар, саҳоба ва тобеинларнинг сўзлари, уларнинг ҳар бир масаладаги ихтилофлари, Қуръон ва суннатдаги носих-мансукларидан хабардор бўлмай туриб ижтиҳод қилиш имконсиз экани ҳар бир соғлом ақл эгасига сир эмас¹⁴.

Муҳаммад Абу Заҳв шундай дейди: “Афсуски, баъзилар Имом Абу Ҳанифани “оз ҳадис билган” деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бутун мусулмонлар Имом Абу Ҳанифанинг мужтаҳидлигини эътироф этган. Мужтаҳидликнинг шартларидан бири эса Қуръони каримни ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини, уларнинг маъноларини тўла ва чуқур билишдир”¹⁵.

Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий “Ал-ҳадис ва-л-муҳаддисун” китоби муқаддимасида бундай ёзади: “Шомда Имом Абу Ҳанифанинг мақомларини билмаган жоҳилларнинг у зотга нисбатан “оз ҳадис билади” деган сўзларини эшитдим. Бу гап менинг диний ҳамиятимни кўзғади. Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадисларни уламолар ўн беш муснадга жамлашган.

Мен улардан исноди такрорланмаган ҳадисларни териб, фикҳ бобларига ажратиб, бир муснад қилдим”.

¹⁴ Ёлоу-с-суан. Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. – Карачи: Идорату-л-Қуръан ва-л-улуму-л-исламия, 1414 х. Ж. 21. – Б. 37

¹⁵ Ёлоу-с-суан. Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. – Карачи: Идорату-л-Қуръан ва-л-улуму-л-исламия, 1414 х. Ж. 21. – Б. 38

Абдуллоҳ ибн Муборак айтдилар: “Куфага кирдим. У ернинг ахлидан энг илмлики киши ҳақида сўрадим. Улар Абу Ҳанифа, деб жавоб бердилар. Кейин улардан одамларнинг ибодатлироғи ва илмга чуқур шўнғиган киши ҳақида сўраганимда, улар яна Абу Ҳанифа, деб жавоб беришди. Улардан энг чиройли хулқли киши ҳақида сўраганимда, улар Абу Ҳанифадан бошқа чиройлироқ хулқ соҳибини билмаймиз, дедилар”.

Аҳмад ибн Муҳаммад Балхий шундай деди: “Шаддод ибн Ҳакимнинг Абу Ҳанифадан олимроқ бирор кишини кўрмадим, деганини эшитдим”.

Муҳаммад ибн Салама шундай деди: “Халаф ибн Айюбнинг илм Аллоҳ таоло томонидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўтди. Сўнг У зотдан саҳобаларга, саҳобалардан тобеинларга, тобеинлардан Абу Ҳанифа ва унинг асҳобларига ўтди, деган гапларини эшитдим”.

Маълумки, дастлаб саҳобалар ва тобеинлар даврида “илм”, деганда Қуръон ва ҳадис илми тушунилган. Шунинг учун ҳам ўша вақтда одамларнинг илмлироғи Қуръон ва ҳадисни билувчироғи бўлган. Шу эътибордан, Имом Абу Ҳанифа ҳадис борасида хизмати буюк, кенг қамровли илм соҳибни бўлганлари ўз исботини топди¹⁶.

Учинчидан, Имом Заҳабий ўзининг “Тазкирату-л-хуффоъ” асарида набавий илмларни тўлиқ эгаллаган адолатли, кишиларни сиқа ва заифини аниқлашда, шунингдек, ҳадисларни саҳиҳ ва носаҳиҳга ажратишда мурожаат қилинадиган буюк муҳаддислар ҳақида сўз боради. Жумладан, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ҳам мазкур муҳаддислар каторида келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, Имом Заҳабий Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни адолатли, набавий илмларни тўла эгаллаган, кишиларни сиқа ва заифини аниқлашда, ҳадисларни саҳиҳ ёки носаҳиҳга ажратиш борасида мурожаат қилинадиган муҳаддислардан, деб ҳисоблаши бунинг ёрқин далилидир.

Ўша вақтда Куфа илм марказларидан бири эди. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ билан замондош бир қанча кибор муҳаддислар яшаб ўтган. Улардан Суфён ибн Уяйна, Суфён ас-Саврий, Ҳафс ибн Ғиёс, Аъмаш, Вакиъ ибн Жаррох, Абдуллоҳ ибн Муборак ва бошқалар. Эътиборли жиҳати шундаки, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ мазкур муҳаддисларнинг барча ҳадисларини ўзида жамлаган.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдаги фикрлаш қоблияти, чуқур илм ва адолати туфайли ижтиҳод қилишга, ўзининг раъйига қараб ҳукм

¹⁶ Абулфаттоҳ Абу Ғудда. Макануту-л-имам Аби Ҳанифата фи-л-ҳадис. – Ҳалаб: Мактабату-л-матбуаату-л-исламия, 1416 ҳ. – Б. 57.

чиқаришга, мусулмонлар унга суяниб, унинг фикрларини ҳаётга татбиқ этишларига муносиб бўлган аллома зот эдилар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ Қуръони карим ва Суннати набавия таълимотларида, шунингдек, саҳобаларнинг сўзларида ўз аксини топмаган масалаларни илмига, адолатига суяниб ҳал этишга ҳаққи бор мужтаҳид олим бўлганлар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ шундай дер эдилар: “Биз бу масалада фақат зарурат бўлгандагина қиёсга ўтамиз. Бу шундай: Китоб ва Суннатда, саҳобаларнинг ҳукмларидан далил тополмасак саҳобалар иттифок бўлган масалага амал қиламиз. Агар саҳобалар ихтилоф қилишган бўлса, иллати муштарак бўлган икки ҳукми бир-бирига қиёслаймиз. Саҳобалардан бошқалар эса бизлар кабидирлар”.

“Сен динда кўп қиёс қилмоқдасан. Илк қиёс этган иблисдир”, деган кишиларга Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ жума куни Куфа масжидида мазҳабининг моҳиятини тушунтириб: “Мен Аллоҳнинг китоби билан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан, ундан кейин эса саҳобаларнинг қарашлари билан амал қиламан, агар улар ихтилоф қилишган бўлса, қиёсга ўтаман”, дедилар.

Шунда жамоат Имом Абу Ҳанифанинг қўлларини ўпиб: “Сиз олимлар сарварисиз, сиз ҳаққингиздаги олдинги ёмон гумон гап-сўзларимиз учун бизни кечиринг”, дейишди. Имом Абу Ҳанифа: “Аллоҳ таоло бизни ва сизни кечирсин!” дедилар¹⁷.

Ҳиндистон ерларига санадни (ҳадисни ривоят қилган ровийларнинг силсиласи) биринчи бўлиб олиб кирган буюк муҳаддис Шох Валийюллоҳ Дехлавий ўзларининг “Ҳужжатуллоҳи-л-болиға” китобида шундай дейди: “Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки йўл билан ҳадис ривоят қилганлар:

1. Мутавотир ёки мутавотир бўлмаган йўллар билан;
2. Эшитган ҳадисларни бошқаларга далолатан етказганлар, яъни ҳадисдан ҳукм чиқариб олиб, ўша ҳукми мавқуф (саҳобаларнинг сўз, амал ва иқрорлари) ҳолда бошқаларга ривоят қилишган.

Ҳазрати Умар, Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос розияллоҳу анҳум каби машҳур саҳобалар бу кўринишда кўплаб ҳадис ривоят қилганлар”.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ҳам мазкур йўналишда ҳадис ривоят қилганлар. Барча айтган масала, фатволарида ушбу йўналишдан фойдаланганлар. Мазкур фикрни тасдиқи ўлароқ Абдуллоҳ ибн Муборак:

¹⁷ Ёллоу-с-сунав. Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. – Карачи: Идорату-л-Қуръан ва-л-улу-л-исламия, 1414 х. Ж. 21. – Б. 45

“Сизлар Абу Ҳанифанинг раъйи деманг, балки ҳадиснинг тафсири деб айтинг”, деганлар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг босиб ўтган йўлига назар солсак, комил инсон бўлмоқлик учун фақат чуқур илмга эга бўлишнинг ўзига кифоя қилмаслигига, балки илм билан баробар Аллоҳга ибодат қилишнинг муҳим омили эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, Имом Абу Ҳанифанинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган манбаларда у зотни илмига амал қилувчи олим, перҳезкор обид, тақводор зоҳид, Аллоҳга доимий илтижо қилувчи камтарин киши сифатида таъриф қиладилар¹⁸.

Абу Ҳанифа Атия Авфий, Абдурахмон ибн Ҳурмуз, Аърож, Абдуллох ибн Аббоснинг шогирди Икрима, Абдуллох ибн Умарнинг шогирди Нофий, Адий ибн Собит, Амр ибн Динор, Салама ибн Кухайл, Қатода ибн Диома, Абу Зубайр, Мансур, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ва шу каби машҳур тобеинлардан ҳадис эшитган¹⁹.

Абу Ҳанифадан бир неча муҳаддис ва фақиҳлар ҳадис ривоят қилган. Тенқурларидан Муғира ибн Миксам, Закарийё ибн Аби Зоида, Мисъар ибн Кидом, Суфён Саврий, Молик ибн Миғвал ва Юнус ибн Аби Исҳоқ, Зоида, Шарик, Ҳасан ибн Солих, Абу Бакр ибн Айёш, Исо ибн Юнус, Али ибн Мусхир, Ҳафс ибн Ғиёс, Жарир ибн Абдулҳамид, Абдуллох ибн Муборак, Абу Муовия, Вакиъ, Абу Исҳоқ Фазорий, Муҳорибий, Язид ибн Ҳорун, Исҳоқ ибн Юсуф ал-Азрак, Муъофа ибн Имрон, Зайд ибн Ҳубоб, Саъд ибн Солт, Маккий ибн Иброҳим, Абу Осим Набил, Абдурраззоқ ибн Ҳаммам, Ҳафс ибн Абдурахмон Балхий, Убайдуллох ибн Мусо, Абу Абдурахмон Муқриъ, Муҳаммад ибн Абдуллох, Ансорий, Абу Нуайм, Ҳавза ибн Халифа, Абу Усома, Абу Яҳё Ҳиммоний, Ибн Нумайр, Жаъфар ибн Авн, Исҳоқ ибн Сулаймон Розий ва бошқа кўплаб алломаларни мисол қилиш мумкин²⁰.

Яҳё ибн Муин айтади: “Вакиъ Абу Ҳанифанинг фикрига таяниб фатво берар эди. У Абу Ҳанифа ривоят қилган барча ҳадисларни ёддан билар эди, чунки Абу Ҳанифадан кўпгина ҳадислар эшитган эди”²¹.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ фақат ёддан билган ҳадисларинигина айтар эдилар, агарда ҳадисдан озгина жойи ёдларидан чикса ёки ҳадиснинг ибораси ҳақида озгина шубҳалансалар, у ҳадисни гапирмас ва уни тарк этар эдилар. Яҳё ибн Маин айтади: “Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ишончли

¹⁸ Юсупов Қ. Абу Ҳанифа – буюк фақиҳ ва муҳаддислар устози. <http://www.mumina.uz>

¹⁹ Заҳабий. Манокиб Аби Ҳанифа – Б. 19.

²⁰ Ўша асар. – Б. 20.

²¹ Олим Джураев. Имом Абу Ҳанифанинг ҳадис илмидаги мавқеи. <http://bukhari.uz>

ровийлардан бўлиб, фақат мукаммал ёддан билган ҳадисларнигина гапирадиган, ёддан билмаган ҳадисларини гапирмайдиган зот эдилар”²².

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳақида таъна тошини отувчи айрим кимсалар: “Абу Ҳанифа кам ҳадис билган ёки кам ҳадис ривоят қилган, дея асоссиз гаплар гапирдилар. Бундай даъвони бундай буюк имомларга қарата айтилиши бутунлай нотўғридир. Чунки, Муҳаддислар ва фикҳ олимлари орасида Абу Ҳанифанинг ҳадис илми бўйича чуқур билимга эга эканлигини таъкидлаганлар ҳам бор.

Имом Заҳабий (в. 748 х.) "Сияр Аълам ан-Нубало" китобида шундай дейди: “Абу Ҳанифа факих, олим ва ҳадисларга чуқур эътибор берган инсон эди. У ҳадисни ёд олиб, унга амал қилувчи эди.” (Сияр Аълам ан-Нубало, 6/399-400).

Ҳафиз Ибн Ҳажар ал-Аскалоний (в. 852 х.)

Ибн Ҳажар "Таҳзиб ат-Таҳзиб" асарида шундай ёзади:

“Абу Ҳанифа ҳадисларни яхши билган, лекин у фақат ишончли ҳадисларни қабул қилган. Шу сабабли у ривоятлар сонини кам қилган.” (Таҳзиб ат-Таҳзиб, 10/450).

Имом Хатиб Бағдодий (в. 463 х.) "Тарих Бағдод" китобида Абу Ҳанифанинг ҳадис илми бўйича билимини тан олган, лекин баъзи муҳаддислар томонидан унга танкид ҳам қилинганини зикр қилган (Тарих Бағдод, 13/325).

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳадисларни жуда яхши билган, аммо фақат мутлақ ишончли ривоятларни қабул қилган.

У ривоятдан кўра, ижтиҳод ва қиёсга кўпроқ эътибор берган.

Ҳадислар тўплами ёки ёзиш ишларига кўп вақт ажратмаган, лекин унинг фикҳий қарорларида ҳадисларнинг асосий ўрни бор.

Ушбу илмий маълумотлардан кўринадик, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ буюк факих бўлиш билан бирга улуғ муҳаддис уламолардан бири бўлган. Мужтаҳид олимнинг муҳаддис бўлиши эса, юқорида айтилганидек табиий ҳолат бўлган.

²² Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абдурахийм Муборакфурий. Тухфату-л-аҳвази би шарҳи жомиъи-т-Термизий. – Байрут: Дару-л кутуби-л-илмийя, Ж. 2. – Б. 368